

Рамазон кечалари ўқиладиган набавий дуолар



20:32 / 22 февраль 444

Аллоҳим, тутган рўзаларимизни, ўқиган Қуръонларимизни, зикру салавот, тасбеҳларимизни, таровеҳ намозларимизни қабул қилгин! Бизга Ўзингнинг суҳбатингни насиб қилгин, бизга дунё ва охираат яхшиликларини бергин, бизни ҳидоят қилгин, тавбаларимизни қабул қилгин, бизга раҳм қилгин, бизни Ўзингнинг йўлингда, Ўзинг учун уйғотгин.

Аллоҳим, аъзоларимизни ибодатинг билан, қалбларимизни маърифатинг билан машғул қилгин. Бизни ўтган солиҳ бандаларингга эргаштиргин, уларга насиб қилган неъматларингни бизга ҳам насиб қилгин, уларга омонлик берганингдек, бизга ҳам омонлик бергин, хотиржамлик бергин!

Аллоҳим, дунё ва охирада Ўзингнинг назарингни насиб қилгин,
қалбларимизни лаззатлантиргин, бизни Ўзинг рози бўладиганлардан
қилгин!

Барча ҳолатларимизда нифоқдан узоқ қилгин. Раҳбарларимизни ҳақ йўлда
бардавом қилгин, қалбларимизни ислоҳ қилгин, ҳожатларимизни раво
қилгин, айбларимизни яширгин, ғофиллардан қилиб қўймагин, бизга илҳом
бериб, тўғри йўлларга йўллагин. Нафсларимизни ёмонликлардан асрагин,
бизни Ўзингнинг зикринг, шукринг ва гўзал ибодатингга илҳомлантиргин,
фазлу раҳматинг ила дуоларимизни қабул қилгин!

Қалбларимизни поклаб, ишларимизни осон қилгин, дунёю охирадаги
ғамимиз Сенга қурбат ҳосил қилиш бўлсин. Аллоҳим, бизларни амал
қилувчилардан қилиб, дунёю охирагимизни обод қилгин! Шукрли қалб,
зикрли тил бергин! Бу дунёда илм ва амал, охирада жаннату жамол насиб
қилгин!

Аллоҳим, эй кўзлар кўра олмас, ақллар идрок эта олмас, дунё ҳодисалари
ўзгартира олмас, дунё мусибату балолари андишага сола олмас Зот! Сен
тоғларнинг оғирлигини, денгиз сувларининг миқдорини, ёмғир
томчиларининг саноғини, дарахт япроқларининг ададини, кеча
қоронғилиги қорайтирган ва кундуз нури ёритган барча нарсаларни
биласан! Ҳеч бир осмон бошқа осмонни, ҳеч бир ер бошқа бир ерни, ҳеч бир
денгиз унинг тубидагиларни, ҳеч бир тоғ унинг жойидагиларни
кўришингга тўсқинлик қила олмайди! Умримнинг энг хайрли пайти унинг
охири бўлсин, амалимнинг энг яхшиси сўнгги амалим бўлсин, Сенинг
ҳузурингга борган куним кунларимнинг энг хайрлиси бўлсин!

Аллоҳим, Сендан «Аллоҳ» исминг билан, «Рохман» исминг билан, мен
билган-билмаган барча исмларинг билан мени мағфират қилишингни,
менга марҳамат кўрсатишингни сўрайман.

Субҳана Роббиял Алийюл Аълал Ваҳҳоб! Ё Ваҳҳоб, ё Аллоҳим, Сени зикр
қилишим учун, шукр қилишим учун, гўзал ибодат қилишим учун ёрдам
бергин! Яна кўп Рамазон рўзаларини тутиб, таровеҳлар ўқиб, ҳайитларни
байрам қилишимизни насиб этгин!

Ё ғиясул мустағийсин, ё Зал жалоли вал икром, ё акромал акромин!

«Моҳи Рамазон муборак» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 13 декабрдаги 03-07/9318-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.